

бўлгандан сўнг ва кунгабоқар саватча туғиб, гуллаш даври бошланаётган даврларда);

2. Кузги буғдойда минерал ўғит меъёри N240P160K120 кг/га қўлланилган далаларда такрорий экин сифатида

кунгабоқарни N120P80K60 кг/га меъёрида (ерни тайёрлаш даврида - P-80, K-60 кг/га, азотни 120 кг меъёрини тенг иккига бўлиб, майсалар тўлиқ униб бўлгандан сўнг ва кунгабоқар саватча туғиб, гуллаш даври бошланаёт-

ган даврларда) озиқлантириш тавсия этилади.

**Л.А.Мирзаев, қ.х.ф.н.,
Пахта селекцияси,
уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-
тадқиқот институти.**

МИНЕРАЛ ВА МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАРДАН САМАРАЛИ ҲОЎДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация; Экинларни ўғитлаш режасида ўғитларнинг тури, қўлланилиш меъёри, муддати ва усули кўрсатилган бўлади.

Аннотация; В плане удобрений будут указаны тип, количество, сроки и способ применения удобрения.

Калит сўзлар; Минерал ўғит, тупроқ, ўғитлаш, самарадорлик, ўғитлаш режаси.

Ключевые слова; Удобрение, почва, удобрение, эффективность, план удобрения.

Экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш билан бирга тупроқ унумдорлигини оширишда ўғитлардан тегишли меъёрида ҳоўдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Экинларни озиқ моддалар билан озиқлантириш ўғит қўлланилиши бўйича ўтказилган тажрибалар натижаларига асосланиб, илмий асосда тузилган махсус режа бўйича ўтказилиши керак. Ўғитлаш режаси икки босқичга бўлинади: 1. Илмий иқтисодий жиҳатдан асосланган ўғитлаш режасини тузиш. 2. Тузилган ўғитлаш режаси бўйича ўғитларни қўлланилиши.

Экинларни ўғитлаш режасида ўғитларнинг тури, қўлланилиш меъёри, муддати ва усули кўрсатилган бўлади. Ўғитлаш режаси мутахассислар ёки илмий ташкилотлар ходимлари томонидан тузилади. Ўғитлаш режаси экинлар ҳосилдорлиги; ернинг унумдорлик даражаси; алмашлаб экиш экинлари, органик ўғитларнинг жамғариш режаси ва ҳўжаликнинг бошқа тупроқ, иқлим ва ташкилий ишлари ҳисобга олиниб тузилади.

Экинларни ўғитлаш тизимида қатъий риоя қилинса, ҳосил мўл, сифатли, арзон бўлиши билан бирга деҳқончиликнинг

самарадорлиги кескин ошади; далаларнинг унумдорлиги бир текисда агроэкологик талабларда ошиб бориши таъминланади.

Ўғитлаш режаси тузилганда экинларни ўсиши ва ривожланиш фазалари бўйича озиқ моддаларга бўлган талаби ҳисобга олиниши керак. Чунки ҳар хил экинларнинг озиқ элементларига бўлган талаби уларнинг фазалари бўйлаб жуда ҳам ўзгарувчан бўлади. Экинларнинг айрим фазаларида айрим озиқ элементларига бўлган талаби шу даражада ошиб кетадики, ушбу даврда экинлар тегишли озуқа элементлари билан етарлича таъминланилса, уларнинг ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади.

**Д.У.Файзуллаева,
И.Нурматов, Д. Бекназаров,
М. Тухлиев,
Дон ва дуккакли экинлар
илмий тадқиқот институти
Қашқадарё филиали Илмий
ҳодимлари.**

Ҳоўдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мусаев. Б. С. Агрокимё. Тошкент-2001 й.
2. Сатторов. Д, Мусаев. Б. С. Тупроқшунослик, агрокимё ва мелиорацияга оид ҳолқаро атама-ларнинг русча-ўзбекча луғати. Тошкент- 1992 йил.
3. Бобоҳўжаев. И., Узоқов.П. Тупроқнинг таркиби, ҳоссалари ва анализи. Тошкент-1990 йил.